



INCREASING THE SHARE OF THE NON-STATE SECTOR IN THE ECONOMY BY REDUCING THE NUMBER OF GOVERNMENT AGENCIES

Bobobekov Zokhidjon Anarbaevich

Head of Department of the State Assets Management Agency of the
Republic of Uzbekistan

Nuraliyev Rustam Turgunovich

Head of Department, at the Center for Research of Problems in
Privatization and State Assets Management State Assets
Management Agency of the Republic of Uzbekistan,
Candidate of Economic Sciences, Senior Researcher
<https://doi.org/10.5281/zenodo.19254975>

ARTICLE INFO

Received: 20th March 2026

Accepted: 26th March 2026

Online: 27th March 2026

KEYWORDS

State property, state institutions, privatization, state assets, reduction of state participation in the economy, private sector, competitive environment, state property management, commercialization, institutional reforms.

ABSTRACT

This article analyzes the issues of reducing the state's participation in the economy of the Republic of Uzbekistan, improving the efficiency of state asset management, and reforming state institutions. The study highlights the significance of newly adopted legislative acts in the field of state property management and privatization, particularly the Laws "On State Property Management" and "On Privatization of State Property". The article substantiates the necessity of reorganizing or privatizing state institutions operating in sectors where competitive market conditions have already been formed. In addition, proposals and recommendations aimed at reducing the share of the state in the economy, increasing the role of the private sector, and creating a healthy competitive environment are presented.

ДАВЛАТ МУАССАСАЛАРИ СОНИНИ ҚИСҚАРТИРИШ ҲИСОБИГА ИҚТИСОДИЁТДА НОДАВЛАТ СЕКТОР УЛУШИНИ ОШИРИШ

Бобобеков Зоҳиджон Анарбаевич

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги бошқарма
бошлиғи

Нуралиев Рустам Турғунович

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги
Хусусийлаштириш ва давлат активларини бошқариш муаммоларини тадқиқ этиш
маркази, бўлим мудири, и.ф.н., катта илмий ходим

<https://doi.org/10.5281/zenodo.19254975>

ARTICLE INFO

Received: 20th March 2026

Accepted: 26th March 2026

Online: 27th March 2026

KEYWORDS

Давлат мулки, давлат муассасалари,

ABSTRACT

Мақолада Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартириш, давлат активларини самарали бошқариш ҳамда давлат муассасаларини ислоҳ қилиш масалалари таҳлил қилинган. Шунингдек, давлат мулкни бошқариш ва хусусийлаштириш соҳасида қабул қилинган янги



хусусийлаштириш,
давлат активлари,
иқтисодиётда давлат
иштирокини
қисқартириш, хусусий
сектор, рақобат муҳити,
давлат мулкани
бошқариш,
тижоратлаштириш,
институционал
ислохотлар.

қонунчилик ҳужжатлари, хусусан “Давлат мулкани
бошқариш тўғрисида” ва “Давлат мулкани
хусусийлаштириш тўғрисида”ги қонунларнинг
аҳамияти ёритилган. Мақолада рақобат
ривожланган соҳаларда фаолият юритаётган
давлат муассасаларини қайта ташкил этиш ёки
хусусийлаштириш зарурати асослаб берилган. Шу
билан бирга, иқтисодиётда давлат иштирокини
камайтириш, хусусий сектор улушини ошириш ва
соғлом рақобат муҳитини шакллантиришга
қаратилган тақлиф ва тавсиялар илгари сурилган.

Сўнгги йилларда Давлат раҳбари
бошчилигида иқтисодиётда давлат
иштирокини қисқартириш, давлат
активларини хусусийлаштириш
орқали хусусий мулкчиликни
кенгайтириш, давлат кўчмас мулк
объектларидан самарали
фойдаланиш ҳамда самарасиз
ишлаётган ва истиқболсиз
корхоналарни тугатиш юзасидан
тизимли ислохотлар амалга
оширилмоқда.

Ушбу ислохотларнинг асосий
мақсади, иқтисодиётни
диверсификация ва модернизация
қилиш, мулкни ҳақиқий эгасига
топшириш ҳамда инвестицияларни
жалб этиш орқали қўшилган қиймат
яратиш, шунингдек, давлат
бюджетига юкламаларни
камайтириш ҳисобланади.

Давлат иштирокидига
корхоналар билан бир қаторда давлат
муассасалари давлатнинг бошқарув,
ижтимоий маданий вазибаларни
амалга ошириш учун ташкил этилиб,
иқтисодиётимизнинг барқарор
ўсишида иштирок этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш.М. Мирзиёев Мамлакат
тараққиётининг ҳозирги босқичида
олдимизда турган энг устувор
вазифалардан бири этиб, иқтисодий
тараққиёт соҳасида ўсиш
нуқталарини аниқлаш ва уларга
алоҳида аҳамият қаратиш, шу тариқа
Янги Ўзбекистон иқтисодиётининг
рақобатбардошлигини ошириш
муҳим рол ўйнашини билдирган¹.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш.М. Мирзиёев
томонидан илгари сурилган 2022 –
2026 йилларга мўлжалланган Янги
Ўзбекистоннинг тараққиёти
стратегиясида асосий мақсад ва
йўналишлардан бири сифатида
белгиланган давлатнинг
иқтисодиётдаги иштирокини
қисқартириш, давлатнинг
иқтисодий жараёнларга
аралашивуни чеклаш, давлат ва
хусусий тадбиркорлик субъектлари
учун тенг шароитлар яратиш,
шунингдек, тадбиркорликка
кўпроқ эркинлик бериш орқали

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.
Мирзиёев “Янги Ўзбекистон демократик
ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар

мамлакатига айланмоқда” УЎК 323(575.1) КБК
66.3 (5Ўзб), 23-бет



иқтисодиётда хусусий секторнинг улушини оширишга қаратилган.

Шу ўринда, таъкидлаш жоизки, юқоридаги ислохотлар доирасида, жумладан давлат мулкани бошқариш ва хусусийлаштириш тизимини тўлиқ такомиллаштириш ва тўғридан-тўғри амал қиладиган қонун ҳужжатлари билан тартибга солиш мақсадида соҳада **2 та асосий Қонунлар**, жумладан 2023 йилда “Давлат мулкани бошқариш тўғрисида”ги ҳамда 2024 йилда “Давлат мулкани хусусийлаштириш тўғрисида”ги Қонунлар қабул қилинди.

Республикамизда 2026 йил 1 январ ҳолатига **1 986 та** давлат улуши мавжуд корхоналари ҳамда **34 170 та** давлат муассасалари фаолият юритиб келмоқда².

“Давлат мулкани бошқариш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 3-моддасига кўра, **давлат муассасаси – бошқарув вазибаларини, ижтимоий-маданий вазибаларни** ёки бошқа **нотижорат тусдаги вазибаларни** амалга ошириш учун давлат органи ёки ташкилоти томонидан ташкил этилган ҳамда тўлиқ ёхуд қисман у томонидан молиялаштириладиган **ташкилот** ҳисобланади.

Давлат муассасаларини ислох қилиш бўйича бир қанча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат муассасаларини ислох

қилишни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2022 йил 8 февралдаги ПҚ-123-сон қарори;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 3 апрелдаги “Давлат муассасалари ва давлат иштирокидаги корхоналарни қайта ташкил этиш ва тугатишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги 139-сон қарори;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 21 июлдаги “Давлат муассасалари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 302-сон қарори;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 28 январдаги “Давлат муассасалари ва давлат иштирокидаги корхоналарни қайта ташкил этиш ҳамда тугатишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги 40-сон қарори.

34 170 та давлат муассасаларининг соҳалари бўйича таҳлил қилинганда, **24 926 та ижтимоий соҳадаги** давлат муассасалари, **8 355 та бошқарув ва ҳарбий соҳадаги** давлат муассасалари ва **709 тани бошқа соҳалардаги** давлат муассасалари ташкил этмоқда.³

2023 йил 11 сентябрда қабул қилинган “Ўзбекистон — 2030” стратегияси мамлакат тараққиётининг ўрта муддатга мўлжалланган устувор йўналишлари, мақсадлари ҳамда уларга эришиш бўйича самарадорлик кўрсаткичларини белгилаб берди.

² <https://davaktiv.uz/uz/menu/davrij>

³ <https://davaktiv.uz/uz/menu/davrij>



Бугунги кунда жаҳонда юз бераётган глобал ўзгаришлар, халқаро бозорлардаги тебранишлар, саноат ва технологияларнинг кескин ривожланиши, энергия бозорларидаги трансформация, глобал таъминот занжирларининг қайта шаклланиши Ўзбекистондан ҳам янги ёндашувларни талаб этмоқда.

“Ўзбекистон – 2030” стратегиясига мувофиқ **2030 йилгача** Иқтисодиётда (энергетика, нефть-газ, тоғ-кон, металлургия, транспорт, молия ва бошқалар) **нодавлат сектор улушини 85 фоизга етказиш** бўйича асосий/устувор самарадорлик кўрсаткич этиб белгиланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат муассасаларини ислоҳ қилишни жадаллаштириш чоратadbирлари тўғрисида” 2022 йил 8 февралдаги ПҚ–123-сон қарорининг 1-бандида **бир товар бозорида бешта ва ундан ортиқ хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолият юритиб келаётган, рақобат ривожланган соҳаларда фаолият юритаётган давлат муассасалари тугатилиши ёки хўжалик жамиятларига ўзгартирилган ҳолда хусусий секторга сотилиши қайд этилган.**

Шу ўринда қайд этиш жоизки, бугунги кунда нашриёт, стоматология, йўл қурилиш, дезинфекция хизмати каби соҳаларда рақобат ривожланган бўлсада, давлат муассасалари ҳам фаолият юритиб

келмоқда. Хусусан, **400 га** яқин газета, нашриёт, журналлар ҳамда йўллар, шосселар қуриш йўналишидаги ҳамда **150 га** яқин дезинфекция йўналишидаги давлат эгалигидаги давлат муассасалари мавжуд.

Мазкур давлат муассасалари ҳамда бошқа хизмат кўрсатувчи давлат муассасалари даромад келтирувчи фаолият билан шуғулланиб, ўзини ўзи молиялаштириш ҳисобига фаолиятини олиб боради.

Бундан ташқари, “Рақобат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддасига кўра, **беш ва ундан ортиқ хусусий тадбиркорлик субъекти** товар ёки молия бозорида фаолият юритиб келаётган, **рақобат ривожланган соҳаларда давлат иштирокидаги корхонани** ва унинг аффилиланган шахсларини **ташқил этишга йўл қўйилмаслиги қайд этилган.**

Шу билан бирга республикада давлат муассасалари ҳисобланган жами **11 851 та** мактаб, **7 302 та** мактабгача таълим ташкилоти, **153 та** олий таълим муассасалари ва **3 567 та** тиббиёт муассасалари, шундан **1 400 таси** оилавий поликлиникалар фаолият юритиб келмоқда⁴.

Бугунги кунда, бозорда **5,5 мингга яқин** стоматология хизматларини кўрсатувчи ташкилотлар мавжуд бўлиб, уларнинг **3 623 таси** хусусий стоматология муассасалари ҳисобланади. Яъни,

⁴ <https://davaktiv.uz/uz/menu/davrij>



мазкур соҳада **68 фоиз** хусусий сектор фаолият кўрсатмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ҳудудларда **65 та** республика, вилоят ва Тошкент шаҳар даражасидаги клиникаларнинг стоматология бўлинмаларида, **208 та** туман ва шаҳар кўп тармоқли марказий поликлиникаларида, **1 400 та** оилавий поликлиникаларида **бепул стоматология хизматлари йўлга қўйилган** бир вақтда, **пуллик хизмат кўрсатувчи** давлат стоматология поликлиникаларининг давлат муассасаси сифатида фаолият кўрсатиши бозор принципларига тўғри келмайди.

Шунга асосан давлат стоматология поликлиникаларини оммавий савдолар орқали хусусийлаштириш, бунда, Соғлиқни сақлаш бўйича ваколатли органи томонидан белгиланадиган яъни нодавлат стоматология муассасаси сифатида фаолиятини давом эттириш ва меҳнат жамоалари манфаатларини инobatга олиш шартлари асосида савдоларга чиқариш таклиф этилади.

Шунинг учун “Давлат мулкани бошқариш тўғрисида”ги ва “Рақобат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларига асосан товар бозорида **бешта ва ундан ортиқ** хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолият юритиб келаётган ҳамда ушбу соҳада **соғлом рақобат муҳити шаклланган** давлат муассасалари хусусийлаштирилиши лозим бўлади.

Шунингдек, “Давлат мулкани бошқариш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг:

4-моддасида **давлат мулкани бошқариш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири рақобат ривожланган соҳаларда давлат мулкани хусусийлаштириш**, қайта ташкил этиш ва тугатиш орқали давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини қисқартиришдан иборат;

10-моддасида **давлат мулкига эгаллик қилишга** ушбу мулк давлат мулкига эгаллик қилиш қўйидаги **мезонлардан бирига ёки бир нечтасига мувофиқ бўлган тақдирда** йўл қўйилиши белгиланган.

асосий фаолиятни **табiiй монополиялар соҳасида** амалга ошириш;

аҳоли учун зарур бўлган, кўрсатилиши хусусий сектор учун **норентабел бўлган таянч хизматларни** кўрсатиш;

фаолиятни стратегик манфаат, шунингдек аҳоли **хавфсизлигини таъминлаш соҳаларида** амалга ошириш ёки миллий иқтисодиёт учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ва ушбу Қонунга мувофиқ хусусийлаштирилмайдиган давлат мулканинг мавжуд бўлиши.

Умуман олганда, хусусийлаштириш орқали иқтисодиётда давлат улушни қисқартириш ва тадбиркорларга шароит яратиш, давлат мулкани самарали бошқаришни ташкил этишга қаратилиши лозим.

Шунга кўра, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш мақсадида қўйидагиларни амалга



ошириш мақсадга мувофиқ
ҳисобланади:

тижорат фаолиятини амалга
оширадиган давлат муассасалари
(бошқарув, ижтимоий-маданий ёки
тижоратчиликдан иборат бўлмаган
бошқа вазифаларни амалга
оширадиган давлат муассасалари
бундан мустасно) хусусийлаштириш
учун хўжалик жамиятларига
айлантириш;

йирик олий таълим
муассасалари ва республика
ихтисослашган тиббиёт
марказларини босқичма-босқич
тижоратлаштириш.

давлат бюджетидан
молиялаштириш манбасига эга
бўлмаган давлат муассасаларини
ташқил этишни таъқиқлаш.

Давлат активларини
хусусийлаштириш бўйича амалга
оширилаётган изчил ислоҳатлар
натijasида иқтисодиётда давлат
иштирокининг қисқаришига ҳамда
ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш
соҳасида хусусий секторнинг улуши
оширилишига, шунингдек, соғлом
рақобат муҳити яратилишига
эришилади.

References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев “Янги Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланмоқда” УЎК 323(575.1) КБК 66.3 (5Ўзб);
2. “Давлат мулкни бошқариш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.
3. “Рақобат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мамлакат тараққиётининг 2030 йилгача мўлжалланган устувор йўналишлари доирасида ислоҳотларни изчил давом эттириш ва янги босқичга олиб чиқишнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2026 йил 16 февралдаги ПФ-21-сон Фармони.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат муассасаларини ислоҳ қилишни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2022 йил 8 февралдаги ПҚ-123-сон қарори.